



СИНЕКДОХА МАЪНО КЎЧИШ ТУРИ СИФАТИДА

Толбаева Алия Ондасыновна

Каракалпок Давлат университети, Чет тиллери факультети,
Катта уқитувчи

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7913329>

ARTICLE INFO

Received: 01st May 2023

Accepted: 08th May 2023

Online: 09th May 2023

KEY WORDS

Даврий матбуот, ахборот
етказиш, газета,
функционал - коммуникатив,
публицистика, синекдоха.

ABSTRACT

Мақолада маъно кўчиш ходисаси турли газета жанрларида қўлланилаши, лекин айнан аналитик, тахлилий матнларда ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, унда хабарнинг ўзи эмас балки фактларни, воқеа ҳодисаларни еритишда муаллифнинг талқини, баҳоси муҳимроқ аҳамиятга эга бўлаши, ва асосан, синекдоха кўчма маънода баъзи сўзлар ўрнига бошқа сўзлар қўлланадиган нутқ шакли эканлиги қуриб чиқилган.

Ўтган асрнинг бошларида қорақалпоқларда миллий ўз-ўзини англаш фаол ўсиб бораётган даврда айнан даврий матбуот ахборотни оммага етказишнинг ажралмас воситаси, жамоатчилик фикрини шакллантириш воситаси сифатида белгиланди. Шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юзага келадиган жараёнлар маълум даражада даврий матбуот органлари аниқ шаклланиб, тартибга солинди ва натижада бу ўз ўрнида қорақалпоқ адабий тил меъёрларининг шаклланиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатди.

Даврий матбуот пайдо бўлгандан бери газета тилининг асосий вазифаси ахборот етказиш бўлиб белгиланган. Дарҳақиқат, ҳар бир давлат ҳаётида оммага ахборот етказишда миллий тилнинг ўрни ўта муҳимдир. Маълумки, аҳолини у ёки бу янгиликлардан имкон қадар тезроқ хабардор қилиш истаги коммуникатив вазифаларнинг табиатида, шунингдек, ушбу вазифаларнинг нутқ тимсолида намоён бўлади.

Бу тушунча араб тилидан кириб келган бўлиб А. Мадвалиев ва Ҳ. Абдиевлар таҳрири остидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *Ахбор* тушунчаси “Хабар; хабарлар; маълумот” каби таърифланган бўлса, *Ахборот* “1. Иш, воқеа-ҳодисалар ҳақида тушунча берувчи хабар, маълумот” кабилида таърифланган¹.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да ахборотга қуйидагича изоҳ келтирилган: **АХБОРОТ** – 1) бирон воқеа ҳақидаги батафсил хабар, маълумот. Давлатлар ўртасидаги музоқаралар натижасида тузилган битим ёки шартнома тўғрисида ҳукуматнинг расмий хабари. Халқаро ҳуқуқда икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида олиб бориладиган дипломатик музоқаралар натижасида тузилган

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.120.



битимлар, шартномалар ёки қабул қилинган бошқа қарорлар ҳақидаги хабар икки ёки ундан ортиқ давлатлар томонидан расмий эълон қилинади. Икки давлат ўртасида олиб борилган музоқаралар ҳақидаги А. одатда қўшма А. деб аталади; 2) баъзи вақтли нашрларнинг номи (мас, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ахбороти, Ўзбекистон Республикаси тест марказининг ахбороти ва б.)².

Газета матнинг лисоний қурилиши функционал-коммуникатив қонуниятларга мувофиқ шаклланади. Шунинг билан бирга биз газета оммавий ахборот воситалари журналистик услубнинг энг машхур турларидан бири эканлигини ҳамда ундаги услубий даража биринчи навбатда, газетанинг асосий функцияларидан бири бўлган - маълумот берувчи ёки таъсир қилишнинг устунлиги билан боғлиқлигини ёдда сақлашимиз керак. Газетадаги баъзи услубдаги тафовутлар нашриёт органининг табиатидан, газетанинг ихтисослашувидан келиб чиқади ва мазмуннинг мавзуси ва муаллифнинг қўлёзмасига боғлиқ.

Газета тилидаги услубшунослик билан боғлиқ фаол жараёнлар тилнинг ижтимоий вазифаларини кенгайтиради. Бунга давлат тили, деб тан олинган ўзбек тили мисолида ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. ОАВ туфайли давлат тили расмий, миллий ва адабий тил хусусиятларини ўз ичига қамраб олган ва «ўзбек тили ўз хизмат доирасини кенгайтириб, юртимизда миллатлараро алоқа воситасини ҳам ўтамоқда»³.

Рус олими М.Н. Кожина «асосий экстралингвистик омиллар негизида функционал услубнинг конструктив тамойили тил воситаларини танлаш ва бириктиришни белгилаб берувчи, уларни бир тизимга солувчи услуб яратувчи омил сифатида шаклланади» деб таъкидлайди⁴. Газета тили тадқиқотчиси В.Г. Костомаровнинг фикрича, ахборий ва таъсир кўрсатувчи функцияларнинг публицистик матнда устуворлиги унинг умумий конструктив тамойили, яъни стандарт ва экспрессиянинг навбатма-навбат тарзда бирикиб келишини белгилаб беради⁵.

Синекдоха – предмет номини унинг қисмидан бутунга ва аксинча бутундан қисмга ўтказиш орқали яратилган бадий тропдир. М. Петровский таъкидлашича, синекдоха кўпинча метонимиянинг бир тури сифатида қаралади “синекдоха фикрлаш жараёни метонимиядан сезиларли даражада фарқ қилади”⁶. Олим, синекдохани лингвистик табиати борасида шундай ёзади: "метонимия, гўё, маълум бир иш учун муҳим элемент эканлигидан иборат бўлган қисқача тавсифдир, берилган нуқтаи назар учун фикр мазмунидан ажралиб туради. Синекдоха, аксинча, объектнинг белгиларидан бир қисмини номлайди. Фикр объектнинг белгиларига қаратилган бўлади.

² «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. ТОШКЕНТ

³ *Тешабаева Д.М.* Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 62.

⁴ *Кожина М.Н.* Экстралингвистические (внелингвистические) стилиобразующие факторы функциональных стилей // *Стилистический энциклопедический словарь русского языка.* – М., 2003. С. 624 – 627.

⁵ *Костомаров В. Г.* Русский язык на газетной полосе. Некоторые особенности языка современной газетной публицистики. – М.: МГУ, 1971.

⁶ Петровский, М. Синекдоха // *Литературная энциклопедия: Словарь литературных терминов:* в 2-х т. - М.; Л.: Изд-во Л.Д. Френкель, 1925. - Т.2. 786



Шунингдек, синекдоха кўча маънода баъзи сўзлар ўрнига бошқа сўзлар қўлланидиган нутқ шаклидир. Сўзларни алмаштириш метафорадан фарқли равишда миқдорий ўзгаришга, яъни кўплик ўрнига бирликка, умумий ўрнига хусусийга ёки аксинча ⁷.

Бир предметнинг номини бошқасига қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши синекдоха дейилади. Бунда икки хил маъновий боғланиш кузатилади: Бутун ва бутун таркибидаги қисм муносабати: қўл (бутун) – қўл (қисм – «бармоқ»: Беш қўл баробар эмас); панжа (бутун) – панжа (қисм – «бармоқлар»: Бешта панжасини оғзига тикади). Қисм ва ушакллантирадиган бутун муносабати: тирноқ (қисм) – тирноқ (бутун – «бола»: у тирноққа зор эди); туёқ (қисм) – туёқ (бутун – «уй ҳайвони»: туёқлар сони кўпайиб бормоқда), эшик (қисм) – эшик (бутун – «ҳовли»: эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган).

Синекдоха ўқувчининг эътиборини тасвирланган вазият учун муҳим (кўпинча салбий) объектни тавсифловчи ташқи кўриниш тафсилотларига қаратишга имкон беради. Кўпинча синекдоха руҳий бўшлиқни, аҳамиятсизликни кўрсатади.

Шундай қилиб, маъно кўчиш ходисаси одатда турли газета жанрларида қўлланилади, лекин айнан аналитик, тахлилий матнларда ўзига хос хусусиятларга эга чунки, унда хабарнинг ўзи эмас балки фактларни, воқеа ҳодисаларни еритишда муаллифнинг талқини, баҳоси муҳимроқ аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам аналитик жанрларга мансуб газета матнларида маъно кўчиш турларини ўрганиш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, бу муаллифнинг ниятини тушунишга ёрдам беради. Оммавий ахборот воситаларининг маъно кўчиш журналист ўзи учун энг долзарб бўлиб кўринадиган ва аксарият ўқувчилар учун қизиқарли бўлган маълумотларни ёритишда унумли фойдаланишни тақоззо этади.

References:

1. Кожина М.Н. Экстралингвистические (внелингвистические) стилеобразующие факторы функциональных стилей // Стилистический энциклопедический словарь русского языка. – М., 2003. С. 624 – 627.
2. Костомаров В. Г. Русский язык на газетной полосе. Некоторые особенности языка современной газетной публицистики. – М.: МГУ, 1971.
3. Петровский, М. Синекдоха // Литературная энциклопедия: Словарь литературных терминов: в 2-х т. - М.; Л.: Изд-во Л.Д. Френкель, 1925. - Т.2. 786
4. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида). Филол.ф. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 62.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.120.
6. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. ТОШКЕНТ
7. <https://ktonanovenkogo.ru/voprosy-i-otvety/sinekdoxa-chto-echo-takoe-primer.html>

⁷ <https://ktonanovenkogo.ru/voprosy-i-otvety/sinekdoxa-chto-echo-takoe-primer.html>